



O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2009-yil • 14-iyul • Seshanba • 83 (30.044) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Бугунги кунда мустақиллик биз учун энг улуг, энг азиз қадрият бўлиб, миллий ўзлимиз, ор-номусимиз, гурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи сифатида шу муқаддас заминда яшаётган барча ватандошларимиз қалбидан тобора мустақам ўрин эгалламоқда».

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 13 июль куни Оқсаройда Америка Қўшма Штатлари Давлат котибининг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Уильям Бернсни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари ушбу учрашув томонларни қизиқтирган икки ва кўп томонлама ҳамкорлик масалалари хусусида фикр алмашиш учун қулай имконият эканини таъкидлади.

— Таширфингизни икки мамлакатнинг узоқ муддатли манфаатларини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон билан амалий ва самарали ҳамкорликни янада ривожлантиришга АҚШ тэйёр эканининг тасдиғи деб биламиз, — деди Ислам Каримов.

Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари халқаро ва минтақавий сиёсатни, жумладан, трансмиллий таҳдидларга қарши курашиш ҳамда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустақамлашга оид кенг кўламли масалаларни қамраб олган. Мамлакатларимиз Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш, ушбу мамлакатни ижтимоий-иқтисодий

тиклаш ишларида ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзбекистон ҳудуди орқали Афғонистонга ноҳарбий ва гуманитар юклар етказиб берилмоқда.

Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги муносабатларда ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ва сармовий ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига алоҳида аҳамият берилди.

Оқсаройдаги учрашувда У.Бернс самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди ва АҚШнинг ҳозирги маъмурияти Ўзбекистон билан ҳамкорликни барча соҳаларда ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон — АҚШ муносабатларига доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)



18 Мустақиллик энг олий неъмат!



Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига

ОЗОД ЮРТНИНГ ОБОД МАСКАНИ

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари хусусида

Маълумки, собиқ шўро замонида қишлоқ ва маҳалла, айниқса, туманларга бизга етти ёт бегона номлар берилган эди. Ҳозирги Шайхонтоҳур ҳудудидаги туман «Октябрь» деб аталарди. 1992 йилдан эътиборан, туман Шайх Умар Боғистонийнинг ўғли, илоҳиёт ва таъриқат илмининг йирик намоёндаларидан бири, улуг

валиуллох Шайх Хованди Тоҳур (XIV аср) номи билан атала бошланди.

XV асрнинг иккинчи ярмига келиб, Хўжа Аҳрор Валий Шайх Хованди Тоҳур қабри устига икки бўлимдан иборат мақбара қурдиради. Бугун Тошкент Ислам университетига қарашли ҳудудда қад ростлаган бу мақбара нафақат мамлакатимиз, қолаверса,

Марказий Осиё халқлари учун ҳам муқаддас зиёратгоҳ сифатида маълум ва машҳурдир. Ушбу зиёратгоҳ истиқлол йилларида, тўғрироғи 1992 йилда Юртбошимиз ташаббуси билан тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, ён-атрофи ободонлаштирилди.

(Давоми 2 ва 3-бетларда)

Хушхабар

АНАСТАСИЯ — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

Италиянинг Брессанон шаҳрида энгил атлетика бўйича 16-17 ёшли ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида Анастасия Свечникова олтин, Валерия Канатова бронза медални қўлга киритди.

Икки йилда бир мартаба ташкил этиладиган жаҳон чемпионатида дунёнинг 180 мамлакатидан келган 1300 нафардан зиёд спортчи голиблик учун куч синашди. Найза улоқтириш бўйича қатнашган Анастасия Свечникова 53 метр 25 сантиметр натижа кўрсатиб, асосий рақобатчилари — хитойлик Ву Ю, германиялик Лаура Хенкелни ортда

қолдирди ва жаҳон чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлди.

А.Свечникова Республика олимпия заҳиралари коллежиде таҳсил олмоқда. У ўн ёшдан буён онаси Елена Свечникова раҳбарлигида энгил атлетиканинг найза улоқтириш тури билан шуғулланади. Умидли спортчимиз халқаро майдондаги дастлабки нуфузли совринни 2007 йил Беларуснинг Брест шаҳрида ўсмирлар ва қизлар ўртасида илк мартаба ўтказилган Евроосиё спорт ўйинларида қўлга киритган.

А.Свечникова 2008 йили Индонезияда 19 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида иккинчи ўринни эгал-

лади. XXIX Олимпиада ўйинларида иштирок этди.

Италиядаги жаҳон чемпионатида В.Канатова ҳам ўз иқтидорини намойиш қилди. Кучли спортчилар билан рақобатлашган ҳамюртимиз уч хатлаб сакраш баҳсларида 13 метр 45 сантиметр натижа қайд этиб, шохсупанинг учинчи поғонасига қўтарилди.

В.Канатовга тақрибали мураббий Галина Казаква устозлик қилади. Тошкент ахборот технологиялари коллежиде таълим олаётган В.Канатова ҳам халқаро миқёсдаги илк олтин медалини Брестдаги Евроосиё спорт ўйинларида қўлга киритган.

Зоҳир **ТОШХУЖАЕВ**, ЎЗА муҳбири

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIIY BANKI AXBOROTI

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2009 йил 14 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	1154,24
1 Англия фунт стерлинги	2397,08
1 Дания кронаси	278,15
1 БАА дирҳами	404,72
1 АҚШ доллари	1486,47
1 Миср фунти	266,11
1 Исландия кронаси	11,62
1 Канада доллари	1276,71
1 Хитой юани	217,57
1 Малайзия ринггити	414,06
1 Польша злотийси	473,11
1 СДР	2298,93
1 Туркия лираси	958,64
1 Швейцария франки	1368,00
1 Евро	2070,36
10 Жанубий Корея вони	11,52
10 Япония иенаси	160,72
1 Россия рубли	46,40
1 Украина гривнаси	194,96

• Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Ўз муҳбирларимиз хабар қиладилар

ЯНГИ АВТОУЛОВЛАР

Сурхондарё вилоят тиббиёт муассасаларига 26 та «Дамас» ва 6 та «HUNDAI» «тез ёрдам» автомашиналари топширилди.

— Бу автомашиналар «Саломатлик-2» лойиҳасига мувофиқ ажратилган, — деди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Алишер Қўчқоров. — Натижада аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун қулай имконият яратилди.

Замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган «HUNDAI» автомашиналари республика шошилини тиббий

ёрдам илмий амалий маркази Термиз филиали, «Дамас» автомашиналари эса туманлардаги қишлоқ врачлик пунктлари ихтиёрига берилди.

— Туманимизда 138 миң киши истиқомат қилади. Уларнинг кўпчилигига ҚВПлар тиббий хизмат кўрсатади. Жончека, Боботог каби қишлоқлар туман марказидан 100 км. узоқда жойлашган. Бизга яна 3 та «Дамас» ажратилгани айна мудао бўлди, — дейди Узун туман тиббиёт бирлашмаси бош врач ўринбосари Саида Сафоева.

Қурбон **ЖУРАНАЗАРОВ**

ШИФО МАСКАНИГА ЁРДАМ

Яқинда «Саломатлик-2» лойиҳаси асосида Республика шошилини тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали ҳамда унинг туманлардаги бўлимларига 7 та «HUNDAI» русумли «тез ёрдам» машинаси ва 15 та «Дамас» русумли машиналар берилди.

— Бундай автоуловлар ёрдамда беморларга тез ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш имконияти янада кенгайтирилади, — дейди филиалнинг Бухоро шаҳар бўлими бошлиғи Воҳид Каримов. — Бу ишончли оқлаш бизнинг вазифамиздир.

Даврон **БАҲРОНОВ**

«СОФИЯ» СОЙЛИКЛАР ХИЗМАТИДА

Анджон шаҳрининг Соё маҳалласида янги «София» тантаналар саройи меҳмонларни қорлади. 500 ўринли кенг, катта зал, миллий таомлар ошхонаси, мебель салони кўркамлиги билан диққатни тортади.

Бу шинам ва мухташам сарой «Фаровон дийр нури» масъулияти чекланган жамият маблагини ҳамда «Хамкорбанк»дан олинган 10 миллион сўм кредит эвазига барпо этилди. Бу тантаналар саройи шаҳардаги шу йил бошидан буён очилган учинчи мухташам объектдир.

Анджон шаҳрининг Қўшариқ даҳаси, Шимолий кичик даҳа аҳолиси бундай қулайликлардан бағоят хурсанд. Жамият раиси Шухрат Жабборовнинг айтишича, саройда тўй ўтказиш учун ҳозирнинг ўзидеяқ йигирмадан зиёд бурюрта тушган.

Аҳмадилло **СОЛИЕВ**

ИЖТИМОИЙ СИЁСАТ

уни амалга оширишда партия ташкилотларининг иштироки

2

Муносабат

ВАТАН ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТ

Президентимизнинг Ёзувчилар уюшмаси фаолияти самарадорлигини ошириш, чинакам истеъдодларни қўллаб-қувватлаш ҳақидаги фикр-мулоҳазаларидан сўнги ўйлар

Адабиёт ҳақида, унинг бугуни ва эртаси тўғрисида сўз айтишни устозларимиз ҳукмига ҳавола этган ҳолда, мазкур масаланинг айнан ёш ижодкорларга дахлдор бўлган баъзи бир жиҳатлари ҳақида ўз фикрларимни билдирмоқчиман.

Юртбошимиз қандай анжуманда иштирок этмасин, қайси мавзуда фикр юритмасин, ёшлар масаласига алоҳида эътибор беради, эртанги кун бизники, марра бизники, деб келажак авлодни янги-янги галабаларга ил-

ҳомлантиради. Бу юксак эътибор ва ишонч биринчидан, кўнглимизни фахр-ифтихорга тўлдирса, иккинчи томондан ёшларда дахлдорлик ҳиссини уйғотади, Ватан олдидаги масъулиятимизни янада оширади.

Бугун дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан чиқиш йўллари ҳақида бош қотиришдан бўшамаётган бир вақтда Ўзбекистонда шахсан Президентимиз адабиёт тараққиёти, маънавият ривожига, ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлашга

алоҳида эътибор қаратмоқда.

«Барчамизга аёнки, XXI аср интеллектуал салоҳият, тафаккур ва маънавият асри сифатида инсоният олдида янги-янги уфқлар очиш билан бирга, биз илгари кўрмаган, дуч келмаган кескин муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда, — дейди Президентимиз Ислам Каримов ўз фикр-мулоҳазаларида. — Бугунги мураккаб ва таҳликали замонда ёзувчининг башариятнинг эртанги кунини ўйлаб, одамларни эзгуликка, инсоф-диёнат, меҳр-


оқибат ва бағрикенгликка даъват этишга қаратилган ҳароратли сўзи ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда». Дарҳақиқат, бугунги мафкуралар тўқнашуви, фикрлар қарама-қаршилиғи кескинлашган бир даврда мамлакатни кимларгадир қарам қилмай, мустақил ривожлантиришнинг, миллатнинг онгу тафаккурига юксак инсоний ғоялар, мағзи тўқ, бутун фикрлар билан химоя қилишнинг асосий қуроли ҳам адабиётдир.

(Давоми 4-бетда)



МУЗОКАРАНИНГ БИРИНЧИ БОСҚИЧИ

3



БАШОРАТЛАР ҲАМ ОҚЛАРМИКИН?!

4

ЎзХДП ташкилотлари конференцияларида

«ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИГА ХОЛИС ХИЗМАТ ҚИЛАЙЛИК»

Яккабоғ туман партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Фаоллар ташкилотнинг ўтган даврдаги фаолиятини таҳлил қилар экан, 1600 нафарга яқин партия аъзоларини бирлаштирган 58 та бошланғич ташкилот ва халқ депутатлари туман Кенгашига сайланган 19 нафар депутатнинг ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий юксалишида, сиёсий ҳаётда ўзига хос ўрни борлигини таъкидлашди.

Тогли ҳудудда жойлашган ва аҳолиси асосан ғаллачилик, богдорчилик, пахтачилик билан шугулланадиган маъмур туманида ишлаб чиқариш тармоқларини кенгайтириш, бандлик масалаларига катта эътибор бериб келинмоқда. Конференцияда «Яккабоғтекс», «Хумо текс», «Дон маҳсулотлари», «Оқ олтин» ОХЖдаги ХДП бошланғич ташкилотлари фаолиятидаги ютуқлар эътироф этилиб, партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини тарғиб этиш, тарафдорлари-

мизни кўпайтириш ишларини янада кучайтириш лозимлиги таъкидлаб ўтилди. Туман партия кенгаши Жамоатчилик қабулхонасининг фаолияти ҳам кейинги йилларда анча яхшиланди. Ўтган йили Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат қилган фуқароларнинг 50 дан ортиқ мурожаати партия фаоллари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашидаги депутатларимиз ёрдамида ижобий ҳал этилди. Партия депутатлик гуруҳи ташаббуси билан доимий комиссиялар

йигилишларида тумандаги кам таъминланган оилаларга маҳаллий бюджетдан ажратилаётган моддий ёрдам маблағларини қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда молия бўлими томонидан тегишли ҳужжатлар асосида тайинлашнинг аҳволи ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этишда туман ҳокимлиги, Халқ таълими бўлими, касб-хунар коллежлари томонидан кадрлар тайёрлаш ва уларни иш билан таъминлашнинг аҳволи ҳақидаги масалалар кўриб чиқилган. Конференцияда шунингдек, депутатлик сўровлари ва уларнинг натижалари, «Фаол аёл»лар ва «Истиқбол» ёшлар қанотлари фаолияти ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси

аъзоси Боймурод Юсупов Президентимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартафат этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарининг мазмун-моҳиятини ўрганиш, шунингдек, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини бажаришда туман партия ташкилоти ҳамда партиядан сайланган халқ депутатлари туман Кенгаши депутатларининг фаолияти ҳақида тўхталди. Конференцияда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Туман партия кенгаши ва партия ташкилоти тафтиш комиссиясининг янги таркиби ҳамда вилоят партия ташкилоти Конференциясига делегатлар сайланди. Конференциядан сўнг бўлиб ўтган ЎзХДП туман кенгашининг пленумида ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Незмат Жумаев туман партия кенгаши раислигига қайта сайланди. Музаффар ТУРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ЎзХДП ҳаёти

ИЖТИМОЙ СИЁСАТ

уни амалга оширишда партия ташкилотларининг иштироки

Навоий вилоят ва Қизилтепа туман партия кенгашлари ҳамкорлигида «Мустақил Ўзбекистон давлатининг ижтимоий сиёсати ва уни амалга оширишда ХДП ташкилотларининг иштироки» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қанотлари аъзолари, маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари фаоллари, туман тиббиёт бирлашмаси маъсул ходимлари, ОАВ вакиллари иштирок этди.

Ўзбек модели деган ном билан бутун дунёда тан олинган мустақил тараққиёт йўлининг асосини ташкил этадиган машҳур беш тамойилдан бири ҳам айнан кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш билан боғлиқ.

Юртимизда ижтимоий масалага катта аҳамият берилиб, давлат бюджети маблағларининг салмоқли қисми айнан ижтимоий соҳага ажратилапти.

Тадбирда ана шу тамойилни ҳаётга жорий этиш учун юртимизда олиб борилаётган давлат сиёсати, бу борадаги қарорлар ва уларнинг ижросини партия электорати орасида тушунтириш масалалари муҳокама этилди. Асосий эътибор мамлакатимизни демократик модернизациялаш жараёнида партия ташкилотлари иштироки самарадорлигини жиҳатидан ошириш зарурлигига қаратилди.

Мамлакат АЗИМОВА, халқ депутатлари Қизилтепа туман Кенгаши депутати:

— Юртимизда бозор иқтисодиёти муносабатига ўтиш жараёнида ижтимоий ҳимояга муҳтож — кўп болали, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар, ёлғиз кексалар, ногиронлар манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя этиш бўйича қилинаётган ишларда Ўзбекистон ХДП ташкилотлари, депутатларининг ўзига хос ўрни бор.

Бунда албатта, партия ташкилотлари Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини депутатлик гуруҳлари иштирокида янада жонлантириш мақсадга мувофиқ.

Фазлиддин ТЕМИРОВ, Қизилтепа туман партия кенгаши раиси:

— Мехнатга лаёқатли аҳоли бандлигини таъминлаш, айниқса, касб-хунар коллежларини тамомлаётган ёшларни меҳнатга жалб қилиш масалаларига янада кенгрок эътибор қаратиш талаб этилади. Касаначилик фаолиятини ташкил этишда мутасадди ташкилотларга кўмаклашиш, касаначилар иш стажини ҳисоблаш, уларга пенсия ва ижтимоий сугурта бўйича нафақалар тайинлаш мониторингини юритиш ҳам муҳим вазифаларимиз сирасига кирди.

Тадбирда шунингдек, ижтимоий соҳага доир қарорларни жойларда изчил бажарилишини таъминлаш бўйича таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

(Ўз мухбиримиз)

Наманган шаҳар партия кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти ташаббуси билан партия ёш аъзолари ўртасида танлов ўтказилди. Унда ўн та йўналиш бўйича юзга яқин иқтидорли йигит-қиз иштирок этди.

РАҒБАТ ВА МАСЪУЛИЯТ

Танлов натижаларига кўра «Энг ёш олим, энг кучли илмий иш учун» — Наманган муҳандислик иқтисодиёт институти ўқитувчиси Матлуба Сайфиева, «Энг фаол ЎзХДП аъзоси» — Наманган давлат университети ўқитувчиси Иброҳим Отамирзаев, «Энг яхши билимдон» — 18-мактаб-интернат ўқитувчиси Ҳақима Тўрабоева, «Энг яхши шеърчи тўплам муаллифи» — 58-гимназия мактаби ўқитувчиси Мафтуна Ҳасимова, «Энг ёш хунарманд» — ўймакор-уста Баҳром Ҳотамов, «Энг яхши хамшира» — 3-болалар поликлиникаси ҳамшираси Ойдин Ботирова, шунингдек, режиссёрлик иши бўйича Наргиза Нурматова, расмчилик бўйича Икромжон Нурматов, журналистика йўналишида Элёр Абдиқодировлар голиб деб топилди.

Улар диплом, фахрий ёрлик, «Истиқбол» ёшлар қаноти рамзи туширилган эсдалик совғалари билан тақдирландилар. — Ўтказилган танлов фаолларимизни янада жипслаштиришга хизмат қилди, — дейди Наманган шаҳар партия кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси Бурхонжон Икромов. — Уларнинг фаолиятига берилаётган эътибор ва рағбат амалий ишлар самарасини юксалтиради ва партия ёш аъзолари масъулиятини кучайтиради.

Носиржон ДЕХҚОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Тадбир ҲАР БИР ИНСОН АЗИЗДИР

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аҳолишунослик бўйича жамғармаси 11 июль — Бутунжаҳон аҳолишунослик кўни муносабати билан Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ҳар бир инсон аҳамиятлидир» мавзусида матбуот анжумани ўтказди.

Тадбирда жамғарма мутахассислари UNFPA репродуктив саломатлик, гендер тенглиги, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига ёрдам кўрсатиш масалаларида дунёнинг 140 та мамлакатидан самарали фаолият юритиб келаётгани тўғрисида фикр юритдилар. Барча мамлакатларда камбағаллик даражасининг пасайишига, инсонларнинг соғлом турмуш тарзи кечирishiга эришиш, ёшларнинг ОИВ ва ОИТС хавфидан ҳимоялаш жамғармининг асосий мақсади эканлиги таъкидланди. Шунингдек, мамлакатимизда жамғарма томонидан амалга оширилаётган хайри ишлар ҳақида маълумотлар берилди.

Жамғарма вакиллари мамлакатимизда тўлақонли фаолият кўрсатишига ёрдам бераётган муассасаларимизга ўз миннатдорчиликларини билдирдилар.

Тоштемур ХУДОЙКУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ОЗОД ЮРТНИНГ

Пойтахтимизнинг Шайхонтохур туманида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари хусусида

АҲОЛИСИ ВА ҲУДУДИ

Туманда 285 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Ҳудуди 29,7 квадрат километрга тенг. Тошкент шаҳрининг марказий туманларидан бири ҳисобланади. Собир Раҳимов, Юнусобод, Умтепа, Чилонзор туманлари билан чегарадоши. Маъмурий-ҳудудий жиҳатдан «Ибн Сино», «Қоратош», «Белтепа», «Оқтепа», «Бешиқ» мавзелари, 49 та маҳалла ҳамда 230 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига бўлинади.

ТАЪЛИМ ДАРГОҲЛАРИ

Туманда 5 та олий ўқув юрти жойлашган: Ўзбекистон давлат Консерваторияси, Тошкент Ислам университети, Тошкент кимё-технология, Тошкент давлат архитектура-қурилиш, Давлат Божхона институти. 10 та касб-хунар коллежи, 5 та академик лицей бор. 37 та умумтаълим мактабида 35 мингдан зиёд ўқувчи таҳсил олмоқда. 46 та мактабгача таълим муассасасида 9 мингдан зиёд болажон тарбияланапти.

МАШҲУР КИШИЛАРИ

Туманда Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов, Ўзбекистон Қаҳрамони Тур Дадахонов, шоҳмат бўйича жаҳон чемпиони Рустан Қосимжонов, таниқли футбол мураббийси Миржало Қосимов, Ўзбекистон халқ артистлари Коммуна Исмоилова, Эргаш Каримов каби таниқли кишилар истиқомат қилмоқда.



Шайх Хованди Тохур мақбараси

Шайх Хованди Тохур мақбарасининг шимолий-ғарбий тарафида Юнусхон — Ташкент ҳокими (1416-1487) мақбараси жойлашган. Бу иншоот қурилиши жиҳатидан нафақат пойтахтимиз, балки мамлакатимиз ҳудудидagi Темурийлар даврига оид энг қадимий обидадир. Ушбу мақбара мустақиллик йилларида тўлиқ таъмирдан чиқарилди.

Қалдирғочбий мақбараси — Шайхонтохур қабристонининг шимол томонида жойлашган бўлиб, бу мақбара қачон, ким томонидан қурилган-у, бу ерга ким дафн этилгани тўғрисидаги маълумотлар сақланмаган. Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Абдуллонома» асариди келтирилган маълумотларга қараганда, Қалдирғочбий Хўжа Ахрор Валий авлодларидан бўлган. Бироқ олиб борилган археологик изланишларга қараганда, маъмур ёдгорлик XIV асрда қурилган деб тахмин қилинади.


Туман ҳудудида жойлашган азиз авлиёлар номи билан аталувчи — «Сузук ота» мақбараси, Шайх Зайниддин чиллаҳонаси, Кўкалдош мадрасаси юртимиз ва мусулмон оламида табаруқ масканлардан ҳисобланади. Айни давларда бу қутлуг зияратгоҳларни таъмирлаш, қурилиш-монтаж ишлари олиб боришмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Тошкент тарихининг кўп жиҳатлари Шайхонтохур тумани ҳудуди билан боғлиқ. Бу маскандаги ўнлаб маҳаллалар ўтмиши Тошкент тарихи илдизларига бориб тақалади.

Қадим-қадимдан Тошкентнинг марказида жойлашган «Чорсу» («Эски Жўва») бозори атрофидаги маҳаллалар номига эътибор берайлик. Ром-эшик ясовчилар яшовчи ҳудуд — «Сузук ота» маҳалласи, камонсозлар маҳалласи — «Камолон» («Камонгарон»), қозон ва пўлат-чўян буюмлари қувачи маҳалла — «Дегрез», кўмир билан олди-сотди қилинадиган жой — «Кўмирчи» маҳалласи, ўқ-ёй, замбарак, милтиқ ўқларини ясовчилар маскани — «Ўқчи» маҳалласи, эгар-жабдуқ ясовчилар гўшаси — «Эгарчи» маҳалласи...

Бу тарихий жойлар мустақиллик туфайли гуллаб-яшнаб, обод гўшаларга айланиб борапти. Бугун туманда саноят, қурилиш ва маиший хизмат тармоқлари торабора ривожланишмоқда. Ҳудудда айни вақтда турли мулкчилик шак-

лидаги катта-кичик 3500 дан зиёд корхона фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, хорижий шериклар ва сармоядорлар билан ҳамкорликда кўплаб қўшма корхоналар бунёд этилмоқда. «Ўз Тексасо», «Spentex Tashkent Toytepa», «Шарқ модел», «Текстайл импекс», «Тошкент қувурлар заводи», сингари қўшма қувватлар ишга тушириляпти. Бугун туманда рўйхатдан ўтган ана шундай қўшма корхоналар сони тобора ортиб бораётди. Туманининг бундан 18 йил олдинги қиёфаси билан ҳозиргиси таққосланса, ер билан осмонча фарқ



Ўзбек Миллий академик драма театри

борлигига иқдор бўласиз. Яқин ўтмишда туман маҳаллалари асосан пасткам-пасткам уйлар, кўрмисиз бинолардан иборат эди. Эндиледа туманининг қайси гўшасига борманг, замонавий турар жой бинолари, сайгоҳлар, мактаблар, бир-биридан кўркам маъмурий иншоотлар, меҳмонхоналар, кенг ва раvon кўчаларни кўрасиз. Бундай ўзгаришлар мисолида мустақиллик нақадар улуг неъмат эканлигини яна бир бор англайсан киши.

Ўтган йиллар мобайнида туманинг «Хувайдо» маҳалласи ҳудудида 30 минг аҳолига тиббий хизмат кўрсатувчи 39-оилавий шифохона ҳомийлар томонидан мукамал таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Самарқанд дарвоза кўчасида 270 беморга тиббий хизмат кўрсатувчи 14-оилавий шифо маскани барпо этилди. Шунингдек, тикув цехи ва маҳалла гузарий ҳам фойдаланишга топширил-

ди. «Қоратош» мавзесидаги Чақар маҳалласида 55-оилавий поликлиника ва бошқа бир қатор поликлиника қад ростлади.


Истиқлол йилларида туманда барча қулайликларга эга замонавий янги бозорлар ишга туширилди, мавжудлари қайтадан мукамал таъмирланди. Мамлакатимиздаги энг қадимий бозорлардан бири — «Эски Жўва» миллий аънаълари-мизга хос услубда қайта қурилди, янги савдо расталари пайдо бўлди. Бозор ён-атрофида турли дўконлар, автомашина турар жойлари, шиням ошхона-ю, сабзавот ва гўшт маҳсу-

лотлари билан савдо қилувчи масканлар барпо этилди. Янги буюм бозори иш бошлади. Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги, Соғлиқни сақлаш, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Республика хотин-қизлар қўмитаси, Республика Олий суди, «Ўқимё-саноят» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзвиносаноат-холдинг» компанияси, Ўзтелерадиокомпания, Ўзбек миллий академик драма театри, Миллий матбуот маркази, Алишер Навоий номидаги киносарай, Республика расмчилик коллежи, «Полимерлар кимёси», Микробиология илмий-текшириш институтлари сингари қатор давлат идоралари ва жамоат ташкилотларининг айнан шу ҳудудда жойлашгани ҳам туманининг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида нақадар муҳим ўрни тутишини яққол кўрсатиб турибди.

Азим Тошкент юбилеи арафасида фойдаланишга топширилаётган янгида-янги корхоналар, тиббиёт муассасалари, мактаблар, лицей ва коллежлар, спорт мажмуалари, санъат ва маданият қошоналари, равон йўللар, кўприклар, хиёбонлар, фавворалар пойтахтимиз кўркіга-кўрк, чиройига-чирой қўшмоқда. — Аввало, шуни таъкидлаш лозимки, пойтахтимизнинг эски шаҳар ҳудудидаги, жумладан, туманимиздаги барча бунёдкорлик ишлари мамлакатимиз раҳбарининг таклиф ва кўрсатмалари асосида олиб боришмоқда, — дейди туман ҳокими Адхам Жумабоев. Асрлар давомида эътиборсиз қолган маҳаллалар, кўча-

Ҳадра майдонидаги янги турар жой бинолари

ОБОД МАСКАНИ



«Эски Жўва» бозори ва майдонининг умумий кўриниши

лар қисқа муддатда бутунлай бошқача кўйга эга бўлди, аҳоли турмуш шароитида катта ўзгаришлар бўлди.

Туманимиз ҳудудида шахримиз юбилейи кўнига қадар 122 та катта-кичик объектларда қурилиш ва турли бунёдкорлик ишларини бажариш кўзда тутилган.

ҳалласидаги «Сузук ота» макбара-сида таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари поёнига етказилди. Бундан ташқари, Кўкалдош мадрасасининг кириш пештоқи ва олд қисмини таъмирлаш ишлари Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Ёдгорликларни сақлаш илмий ишлаб чиқариш бошқармаси ва

— Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига тайёргарлик доирасида турли маданий-маърифий тадбирлар, илмий конференциялар ўтказилмоқда. Ўзбекистон ХДП Шайхонтоҳур туман кенгаши ҳам маҳаллаларда, табиёат муассасаларида, бошланғич партия ташкилотларида пойтахтимиз тарихи, унинг қутлуг тўйини нишонлашнинг аҳамияти тўғрисида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бормоқда, — дейди **ЎзХДП туман кенгаши раиси Рустам Раҳимов**. — Туман «Маънавият тарғибот маркази» билан ҳамкорликда ўтказилаётган бу тадбирларда партияимиз фаоллари кенг жалб этилмоқда. Партияимиз туман кенгашининг «Истиқбол» ёшлар қаноти томонидан ушбу тарихий санага бағишлаб бир қанча семинарлар уюштирилди. Хусусан, «ЎзХДПда ёш сиёсати — 2009» кўрик-танловининг туман босқичи ушбу санага оид турли саволлар асосида ўтказилди. Бундай тадбирлар ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга, уларнинг пойтахтимиз тарихи ва унинг бой маданияти ҳақидаги билимларини оширишга хизмат қилади.

— Мен 45 йилдан буён спорт соҳасида меҳнат қиламан, — дейди тумандаги **15-сонли Болалар, ўсмирлар Олимпия заҳиралари спорт мактаби директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Иброҳим Имомжонов**. — Бугун пойтахтимизда, хусусан, туманимизда бўлаётган ўзгаришларни, бунёдкорликларни кўриб, қалбим беихтиёр қувонгача тўлади. Бир пайтлар бундай бунёдкорликлар ҳақида фақат орзу қилиш мумкин эди. Мамлакатимиз истиқлолга эришган дастлабки йилларданок, барча соҳалар қатори спортни ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилди. Буни бир-бирдан кўркам спорт иншоотлари, стадионлар, спорт мактаблари, теннис кортлари мисолида яққол кўриш мумкин.

Бугун жаҳон спорт ареналарида Ўзбекистон номи баралла янграмоқда. Ватанимиз байроғи кўтарилмоқда. Ўзбек йигит-қизлари орасидан спортнинг барча турлари бўйича жаҳон ва Осиё чемпионлари етишиб чиқмоқда.

Биргина мисол, Шоҳмат бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов, Осиё чемпиони Антон Филлиповлар бизнинг спорт мактабимиз вакиллари.

Туманда ким билан учрашманг, пойтахтимиз тўйига тайёргарлик бўлаётган ўзгариш ва янгиликлар ҳақида тўлиб-тошиб, фахр-ифтихор билан гапирди. Дарҳақиқат, Тошкентнинг 2200 йиллигига тайёргарлик доирасида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Буларнинг ҳамма-ҳаммаси мустақиллик шарофатидан эканини одамлар чуқур англаб турибди.

Соҳибжон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» махсус муҳбири. Суратлар муаллифи Абдिवоси ХАЙДАРОВ ва Шавкат ҚАҲҚОРОВ.



Қадриятларимиз бардавонлиги

Президентимизнинг «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан туманимизда айни дамларда бир қатор амалий ишлар қилинаётир. Бугунча ҳудудимиздаги «Пахтакор» марказий ўйингоҳи тўлалигича қайта таъмирланди. Шунингдек, «Ёшлик» спорт мажмуасида ҳам мукамал таъмирлаш ишлари бажарилди. Тошкент Ислам университетининг янги

«Мерос чашмаси» унитар корхонаси томонидан бажарилмоқда. Ҳудудимизда жойлашган 600 та нотураш жойлар фасадларини таъмирлаш ишлари ҳам қизғин олиб борилаётир. Абдулла Қодирий кўчасида жойлашган «Еш тошшабинлар» театри биноси, Алишер Навоий музейи биноси, Абай кўчасидаги 48-оилавий поликлиника биноларининг ташқи қисмларида таъмирлаш, бўяш ишлари бажарилди. Кичик Ҳалқа йўли, Самарқанд дарвоза,



55-оилавий поликлиника биноси

қув биносида қурилиш ишлари тугаланиб, атрофи кўкаламзорлаштирилди. Туманимиз Абдулла Қодирий кўчасидаги сайлгоҳда Тошкент шаҳар ободонлаштириш бошқармаси билан ҳамкорликда қатор ишлар олиб борилмоқда. «Сузук ота» ма-

Фаробий, Шайхонтоҳур, Мирзо Улугбек, Фурқат, Гафур Фулом каби бир қатор кўчаларда уй-жойлар атрофи тартибга келтирилди. Кўркам қурилишлар билан бирга, турар-жойлар ва кўчалар ноқонуний қурилмалардан тозаланмоқда.



Миллий хунармандчилик устaxonалари


МУЗОКАРАНИНГ БИРИНЧИ БОСҚИЧИ

самарасиз яқунланди

Гондурас ихтилофларини баргаф этиш ва мамлакатдаги сиёсий тангликни юмшатиш юзасидан олиб борилган 2 кунлик саёй-ҳаракатлар самарасиз яқунланди.

Гап шундаки, Коста-Рика президенти Оскар Ариас Гондурасдаги сиёсий келишмовчиликларда асосий роль ўйнаётган тарафларни муроасага келтириш учун расмий воситачиликка киришган. У 28 июнь кўни Гондурасда содир этилган ҳарбий давлат тўнтариши оқибатида тахтдан ағдарилган, айни дамда Коста-Рикадан бошпана топган президент Мануэл Селай ва шу кўнларда Гондурас президентини вазифасини бажариб турган Роберто Мичелеттини юзма-юз учраштириб, муроасага келтириш учун музокара олиб боришга қарор қилган эди. Аммо томонлар юзма-юз учрашишни раво кўрмдилар. Натижада Оскар Ариас ҳар иккиси билан алоҳида-алоҳида музокара ўтказди.


Лекин бу уринишлар бесамар кетди. Коста-Рика президентининг айтишича, яқин кўнларда музокараларнинг иккинчи босқичини ўтказиш мuddати ҳақида маълум қилинади. Бу ҳақда «Новости» АА хабар тарқатди.



АФРИКАДАН ЕВРОПАГАЧА газ қувури тортилади

Нигерия, Жазоир, Нигер ҳукуматлари Сахрои Кабир қувури орқали Европага газ қувури тортиш юзасидан Европа Иттифоқи билан битим имзоладилар. Бу борадаги музокараларда Россиянинг «Газпром» компанияси ҳам иштирок этмоқда. «Reuters» АА маълумотига кўра, ушбу лойиҳа қурилишига 10 миллиард долларлик маблағ сарфланади. Шунингдек, Африкада газ йиғиш марказий пунктини қуриш учун яна 3 миллиард долларга яқин маблағ кер-

хизмат кўрсатиш соҳаларига тўғри келмоқда.



БАНКРОТ БЎЛГАН ТАШКИЛОТЛАР

икки барабар кўпайди

Жорий йилнинг биринчи ярмида Польшада банкротлик ҳолатига тушган компаниялар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан икки барабар кўпайди. Бу ҳақда «дра» АА хабар тарқатди. «Euler Hermes» суғурта компанияси маълумотларига қараганда, 2008 йилнинг биринчи ярмида 195 та компа-

ния ўзини банкрот, деб эълон қилган бўлса, жорий йилнинг шу даврида бу рақам 290 тани ташкил этди. Уларнинг асосий қисми саноат ишлаб чиқариши ва

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

УЙЧИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ҚУЙДАГИ ИНШОТГА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ, УЙЧИ ТУМАНИДАГИ 12-СОНЛИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ҚОЗОНХОНАСИНИНГ ҚАЙТА ҲИСОБЛАНГАН ҚОЛДИҚ ИШ ҲАЖМИ ҚУРИЛИШИ

Объектнинг бошланғич нархи — ҚҚС билан 99 992 124 сўм. Объектни яқунлаш мuddати — 2009 йил 1 октябрь.

Буюртмачи: Уйчи тумани, Амир Темур кўчасида жойлашган Уйчи қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи.

Телефон: (8 248) 48-22-038, 48-21-552.

Лойиҳани молиялаштириш маҳаллий маблағ ҳисобидан амалга оширилди.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйдаги талабларга жавоб беришлари керак: танлов савдо предметининг 20 фоиздан кам бўлмаган миқдоридagi айланма маблағи ёки кўрсатиб

ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базасига, ишлар (хизматларни) бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, танловдаги иншоотга ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасига эга бўлган, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга эга бўлган, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда танлов ташкилотларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қуйдаги нарх кўрсаткич-

лари ҳисобга олинади: қатнашчиларнинг танлов таклифларини баҳолаш ва ўтказишда хориж ишларини (хизматларни) таъминлаш бўйича танлов таклифлари берилганда хориж товарларни етказиб берувчилар қўшимча қиймат солиғидан қонун доирасида озод бўлгани инобатга олинган ҳолда имтиёздан келиб чиққан фарқ миқдори берилган таклифга қўшимча равишда ҳисобланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилоят консалтинг марказига қуйдаги манзил бўйича: **Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 22-уй, телефон/факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91 мурожаат қилиш мумкин.**

Танлов ҳужжатлари битта тўпلامнинг нархи — 60 000 сўм. Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан қорғидаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги мuddати — оферталар очилиш кўни ва соатига.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйдаги манзилда ўтказилади:

Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 22-уй.

Ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйдаги иншоотни таъмирлаш бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан очиқ танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги катта мажлислар залининг интерьерини янгилаш.

Буюртмачининг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғи билан — 723,2 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 602,7 млн. сўм. **Иншоотнинг қурилиш мuddати — 135 кун.** **Буюртмачи:** Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзили: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй. **Тел/факс:** (8-376) 222-49-71, 222-49-80, 222-49-85.

Иншоотнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилди.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйдаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридagi айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари ба-

ҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйдаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Удавара» архитектура-инжиниринг компанияси билан савдо ташкилотчиси ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйдаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй, **Телефон/факс:** (8-376) 222-44-73, 222-44-76. Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчиси тақдим этишнинг охириги мuddати — оферталар очилиши кўни ва соати. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйдаги манзилда: Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уйда ўтказилади.

АТИБ «Ипотека банк» Миробод филиали 2009 йил 15 июлдан 31 июлгача бўлган, Миробод тумани Талимаржон кўчаси 1-б уйда жойлашган банкка тегишли бинони қайта қурилиш учун қурилиш ташкилотлари ўртасида танлов (тендер) ўтказди. Танловда қатнашиш учун қуйдаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 291-95-34, 315-00-74, 500-00-73.

ВАТАН ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТ

Президентимизнинг Ёзувчилар уюшмаси фаолияти самарадорлигини ошириш, чинакам истеъдодларни қўллаб-қувватлаш ҳақидаги фикр-мулоҳазаларидан сўнги ўйлар

АДАБИЁТ — ТАРБИЯЧИ

Қадимдан адабиётнинг биринчи вазифаси тарбия бўлиб келган. Болалар миллий қадриятларни, асл инсоний хусусиятларни халқ дostonлари «Алпомиш»-у «Гурўгли»дан эшитиб, ўқиб ўрганганлар. Адабиёт халқни бирлаштиради, миллатга айлантиради. Бугунги глобаллашув жараёни авж олган бир пайтда адабиётга эҳтиж ҳар қачонгидан кучаймоқда, уни ҳар томонлама ривожлантиришни кун тартибига олиб чиқмоқда. Сир эмаски, бугун «оммавий маданият» санъатнинг бошқа соҳалари қатори адабиётга ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Ундан асосий қурол сифатида фойдаланмоқда.

Бундай бўҳронлардан миллатни асрашда адабиётнинг ўрни бекиёс. Ёшларни бу каби таъжовулардан асраш учун умуминсоний тўғуллар тарануми этилган юксак санъатдаги асарлар яратилиши лозим. Биз ёш ижодкорлар Президентимиз адабиётга қўрсатаётган эътибор ва ғамхўрликдан те-

(Давоми. Боши 1-бетда)

гишли хулоса чиқариб олмоғимиз зарур деб ўйлайман.

АДАБИЁТ — ТАРБИВОТЧИ
Адабиёт, аввало, Ватанга муҳаббатни тарғиб қилади, уни ёшлар онгига сингдиради, она тилини ривожлантиради. Барча даврларда ҳам адабиётнинг ушбу вазифаси бирламчи аҳамият касб этган.

Шундай экан, адабиёт умуминсоний гоҳларни, қолаверса миллат, мамлакат тақдирига дахлдор бўлган ўта муҳим масалаларни кўтариши, ташвиқот қилиши, миллий меросимизни тарғиб қилиши лозим. Шу боис ҳам тил сўзи олдида она, адабиёт сўзи олдида Ватан сўзлари қўшиб айтади. Бугун адабиётимиз олдида қўйлаётган бирламчи талаб халқимизга мустақиллик, озодлик моҳиятини очиб бериш, унинг ирода-дини, имон-этиқодини, ўзига ишончини мустаҳкамлашдир.

Ҳа, адабиёт тарғиботчи. У эзгуликни, тинчликни, озодликни, мамлакат мустақиллигини бор овози билан таранум этиди. Тарғибот қилади. Адабиётнинг ҳақиқий намоёндалари эса бу борада олдинги сафларда бўладилар.

ВАТАН АДАБИЁТИНИ МЕНГА БЕРИНГ...

Мустақиллик даври ўзбек адабиёти ҳақида сўз борганда атоқли адабиётшунос олим, жамоат арбоби, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов ва истиқлол куйчиси, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф сиймоси кўз ўнгимизда намоён бўлади. Чунки улар ижодини мустақилликдан айро холда тасаввур қилиб бўлмайди. Бу ижодкорлар истеъдодини том маънода истиқлол юзига чиқарди. Улар ҳам ўз навбатида истиқлолга хизмат қилди, Ватанни, озодликни бир фарзанд бўлиб, бир шоир, маънавият жарчиси бўлиб, баралла куйлади, юракдан мадҳ этди.

Ўзбек халқининг чин фидойи фарзандлари қаторида бу икки ижодкор тўла маънода ёшларнинг сеvimли устозига айланди. Улар мустақилликни отабобларимизнинг ушлаган армонининг рўёби сифатида қабул қилди, шу кунларга етганига шукроналар айтиди. Юрт озодлиги бир умр садокатда яшади. Улар биз каби ёшларни Ватанни онамиздай,

отамиздай севишга ўргатди. Унинг қувончига шерик, дардларига малҳам бўлишга чакирди. Озод ака ўзининг маънавий жасорати, жаҳон адабиёти дурдоналаридан қилинган таржималари, буюк аждодларимизнинг бебаҳо мероси, мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидаги юзлаб мақолалари билан одамларда китобга, адабиётга, Ватанга, мустақилликка меҳр уйғотди. Муҳаммад Юсуф эса халқона шеърлари, ўтли сатрлари билан халқимизни бирликка, бирдамликка чорлади. Бир фарзанд сифатида Ватан, эл олдидаги бурчини оқлаб яшади:

**Ўғлим деб ишонган элим,
Киндик қоним тоғман элим,
Тўғулларим озодини
Менга беринг, менга беринг.
Ерни ушлаб тўхтатаман,
Ясавий ким кўрсатаман.
Ватан адабиётини
Менга беринг, менга беринг.**

Бу икки ижодкор, катта қалб соҳиблари истиқлолга, адабиётга ҳалол, виждонан хизмат қилиш, истеъдодли ёшларни тарбиялаш мактабини яратдилар. Мустақиллик йилларида қўлига қалам олган ёш ижод-

кор борки, Муҳаммад Юсуф шеърларидан таъсирланди, унга шогирд тушишга интилди. У кўплаб бошловчи ижодкорларга оқ йўл тилаб, уларни ўзи билан етаклаб газета-журнал тахририятларига олиб борди, ижоди гуллаб-яшнашига бажонидил хисса қўшди.

БИРИНЧИ КИТОБ — ЁШЛАРГА ҚАНОТ БЎЛСИН

Ёш шоир сифатида биринчи китоб гаши қандай бўлиши яхши биламан. Ўзимнинг ҳам илк машқларим устозим Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир сўзбошиси билан чоп этилган. Чиндан ҳам биринчи китоб парвозга шайланаётган ёш ижодкорга қанот бағишлайди, унинг янги-янги асарлар ёзиши учун ғайрат бахш этади, ҳаётига ўзгача руҳ, ижодига нур олиб қиради.

Муҳтарам Президентимиз Ёзувчилар уюшмаси фаолияти ҳақида сўз юритганда мана шу муҳим масалага ҳам алоҳида тўхталганлар. Унда айтилишича, ёшларнинг биринчи китоби энди давлат ҳисобидан чоп этилади. Ўртбошимизнинг мазкур ташаббуси ҳали юзлаб янги

истеъдодларни кашф этади. Бугунги ўзбек адабиётига тоза ҳаво, янги овозлар, жўшқин парвозлар олиб қиради. Мамлакатимизнинг чекка қишлоқларида ҳам адабиётга ошно тутиниб, қроғ-қалам билан сирлашиб, ёзганларини кимга кўрсатишни билмай ёниб юрган иқтидорлар қанча. Уларнинг истеъдодини рўёбга чиқариш эса бугуннинг долзарб масаласидир. Биринчи китоби давлатимиз хомийлиги ва қўмаги билан чиқарилган бундай ёшлар келажакда адабиётимизнинг забардаст чинорларига айланиши, шубҳасиз.

Яқинда мустақилликимизнинг ўн саккиз йиллиги катта тантана қилинади. Истиқлолимиз ўн саккизга қиради. Бундан ўн саккиз йил олдин тўғилганлар мустақил ҳаётга қадам қўйди, Ватанга хизмат қила бошлади. Адабиётимиз озод бўлганига ҳам ўн саккиз йил бўляпти. Демак, дадил ёзишга, салмоқли сўз айтишга тажриба ҳам, имкон ҳам етарли.

Бугун Президент томонидан билдирилган фикрлар атрофида адабий жамоатчилигимиз, ёшлар орасида баҳс-мунозара, фикр алмашинувлар бошланиб кетди. Ҳозир шулар ҳақида ўйлашгану кўз ўнгимга Абдулла Қаҳҳор сиймоси келди, гўё у бизни кузатиб, сўхбатимизда иштирок этаётгандек. Ўзининг биз ёшларга ёд бўлиб кетган мана бу сўзларини такрорлаётгандек: Адабиёт атомдан кучли, лекин унинг кучини ўтин ёришга сарфлаш керак эмас...
Жасур ХУСАНОВ

БАШОРАТЛАР ЎЗИНИ ОҚЛАРМИКИН?!

Футбол бўйича Ўзбекистон XVIII миллий чемпионати 11-турнинг кечиктирилган «Бунёдор» — «Пахтакор» жамоалари учрашуви билан биринчи давра баҳслари якунланди. Ўзбекистон, бунгача ўзаро тўрт маротаба куч синашган бу жамоалар баҳси фақат дуран билан ниҳоясига етганди. Бу галги учрашувда ҳар томонлама ўзларининг устуликларини намоиш қилган бунёдорчилар аянгани бузишди. Пахтакорчиларга қарши майдонда бир киши кам бўлиб тўп суришларига қарамай, мамлакатнинг амалдаги чемпиони «Бунёдор» футболчилари 2:1 ҳисобида галаба қозондилар.



Луиз Фелипе Сколари бош мураббийлик қилаётган «Бунёдор» жамоаси ўз ҳисобидаги очколар сонини 45 тага етказиб, карвонбошлик мавқени мустаҳкамлаб олди. Чемпионат жадвалида иккинчи погонани эгаллаб турган пахтакорчилар ҳисобида эса 36 очко бор.

Чемпионат жадвалида биргина учинчи ўрин учун «Насаф», «Нефтчи», «Олмалик», «Хоразм» жамоаларининг кураш олиб боришати бўлган ҳам баҳсларнинг муроғасиз ва шиддатли кечишини таъминламоқда.

Мамлакатимизда профессионал футбол лигасига асос солинганлиги жойлардаги клубларда футбол инфратузилмасини шакллантириш ва ривожлантириш ишларига эътиборни кучайтирди. Чинакам профессионал сари олимлаётган Қаршининг «Насаф» жамоасида мавсум бошида жуда катта ўзгаришлар амалга оширилди. Мавсумни кўтаринки рунда бошлаган қаршиликлар чемпионатда ўз майдонларида «Хоразм» футболчиларига имкониятни бой бериб қўйишгани кўтилмаган ҳол бўлди.



тира олганлиги билан тилга тушди. Сафарда «Машъал», «Металлург», «Насаф» сингари жамоаларни енган, ўз майдонда «Пахтакор» билан дуран қайд этган урганчиликлар мавсумнинг чинакам «кашфиёти»га айланишди.

Авалгиларидан фарқли жиҳати, бу йилги чемпионатда аутсайдер номини олдиндан башорат қилиш мушкул. Мисол учун, ўтган йиллардаги миллий чемпионатимизда мавсумнинг «омадсиз» жамоаларидан бирининг номи биринчи даврадаёқ билиниб қоларди. Шундай мавсумлар бўлганки, аутсайдер жамоа ҳатто бутун чемпионат давомида бирор марта галаба нашидасини сура олмай олий лигани тарк этган. Энди эса жадвалнинг сўнги погоналарини банд қилиб турган «Андижон», «Машъал», «Металлург» жамоалари кучлилар қаторида ўз мавқеларини сақлаб қолишлари учун имконият етарли.

Ўтган йилги мавсумнинг биринчи даврасида 6-7 жамоада бош мураббий алмаштирилганди. Жорий йилда эса бундай ҳолат фақат «Машъал», «Шўртан» ва «Динамо» жамоаларида кузатилди.

Чемпионатимиз тўпурарлари баҳси ҳам қизгин кечмоқда. Унда машҳур футбол юлдузи бразилиялик Ривалду («Бунёдор») пешқадамлик қилмоқда. Ҳозирда унинг ҳисобида 14 та тўп бор. Ривалдонинг асосий таъкибчилари Анваржон Солиев («Бунёдор») ҳамда Александр Гейнрих («Пахтакор»)лар саккиздан голга муаллифлик қилишган.

Эркин ХОЛБОБО



Огоҳ бўлаёлик

Чўмилиш — МАЗА, ЛЕКИН...

Эҳтиётсизлик қилинса, фожиага айланиши мумкин

Ёз фаслининг ўзига хос гаши бор. Айниқса, бу мавсумни бошлар орзиқиб кутади. Табиийки, иссиқ кунларда улар каналлар, очик сув ҳавзалари, анҳор ва қўлларда чўмилишга ошиқилади. Дам олиш масканлари, чўмилиш ҳавзалари, айниқса, ҳафтанинг шанба ва яшанба кунлари катта кичик билан гавжум бўлади. Албатта, фунсункор табиат бағрида чигални ёзиш, чарчоқни унутиб, асабларни тинчлантириб, тоза ҳавода тўйиб-тўйиб нафас олганга нима етсин! Бирок айрим ҳолларда чўмилиш кўнгилсизлик билан тугаши ҳам мумкин. Бунинг асосий сабаблари баъзи кишиларнинг сузишни яхши билмаслиги, спиртли ичимликлар истеъмоли қилган ҳолда сувга шўнгиш ва бошқа омиллардир.

Ўтган йили Тошкент вилоятининг «Чорвоқ» сув омборида бир аёл чўкаётган боласининг ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида ўзини сувга отади. Бояқши она на боласини, на ўзини кутқариб қола олди...

Фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (ФВВ) ва унинг вилоятлардаги бошқармалари ҳузурида «Сувда кутқарув» гуруҳлари ташкил этилган. Илгари гаввослар Россиянинг Воронеж шаҳрида ўқитилар эди. Бугунги кунда ФВВ қошида гаввослар мактаби фаолият кўрсатмоқда. Бу даргоҳни битирган юзлаб кутқарувчи-гаввослар жойларда хизмат вазифаларини бажаришати.

Сувда кутқарув гуруҳининг акарияти гаввослик кийимлари ва бошқа асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Улар кутқарув хизматидан ташқари, тез тиббий ёрдам кўрсатиш кўникмаларини ҳам ўзлаштириб олганлар.

Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, сувга чўкиб

нубуд бўлаётганлар кўпинча руҳсат этилмаган ёки кутқарув хизмати ташкил қилинмаган жойларда учрамоқда. Шунинг учун ҳам фуқаролар хавфсизлигини таъминлашнинг илоҳи бўлмаган овлоқ жойларда чўмилишда жуда эҳтиёт бўлишлари зарур.

— Неварларимни чўмилишга олиб чиққан эдим, — дейди Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани Қорақамиш даҳасида истиқомат қилувчи Барно Маҳмудова. — Шундоққина кўз ўнгимда тахминан 19-20 ёшлардаги йилит қўкиб кета бошлади. Яхшиям, кутқарувчилар бор экан. Зудлик билан уни сувдан олиб чиқишди ва ўзига келтиришди. Орадан кўп ўтмай этиб келган «тез ёрдам» машинаси йилитни шифонага олиб кетди.

Эҳтиётсизлик инсон ҳаёти учун қимматга тушиши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳар бир фуқаро чўмилишда хавфсизлик қоидаларига риоя қилиши керак. Нафақат катта сув ҳавзаларида, балки кичик дарёлар ва истироҳат боғларидаги қўлларда чўмилишда ҳам эҳтиёт бўлиш зарур. Болаларни асло назоратсиз қолдирмаслик талаб этилади.

Кутқарувчи-гаввосларнинг айтишига қараганда, ўз кучига ортиқча ишонининг оқибати аксар ҳолларда хунук янги топаркан. Баъзи мактанчоқ-олифталар соҳилнинг нарғиғача бемалол сузиб ўтишга баҳс бойлашиб, сувнинг ўртасига этиб келганда ҳолдан тўйиб қоладилар. Бундай қалтис вазиятда у на сузишни давом эттиради, на ортга қайта олади. У ёғи ўзингизга маълум.

Езда чўмилиш яхши. Лекин, аввало белгиланган, хавфсиз жойларда чўмилиш маълум. Хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш фалокатнинг олдини олишда энг муҳим омил ҳисобланади.

Азамат СУЙОНОВ,
журналист.

ГАЗК «ЎЗБЕКISTON ТЕМИР ЙУЛЛАРИ»

объявляет тендер №8, 2009 года на приобретение технологического оборудования по ниже следующим лотам согласно графика поставки (3-4 квартал 2009 года).

Лот №1. Ямобур на гусеничном ходу в количестве 1 единицы.

Лот №2. Экскаватор на гусеничном ходу объемом ковша 1,5 куб в количестве 10 единиц.

Лот №3. Станок для обточки колесных пар без выкатки из под тепловоза в количестве 1 единицы.

За тендерной и технической документацией обращаться по адресу: г.Ташкент, ул. Т.Шевченко, 7, ГАЗК «Ўзбекистон темир йуллари» Управление «Темирйуленилгитамин», комната 410.
Тел: 237-94-72, 237-96-33.



BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'afur HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihidin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, 233-21-43
(Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-49-55

Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg'onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:

100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Behzod SHUKUROV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etildi.
Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma tabaq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat ta'hiriyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 649

8494 nusxada bosildi

t — Tijorat materiallari

ISSN 2010-17633

O'zA yakuni — 21.40
Topshirilgan vaqti — 00.10
1 2 3 4 5 6 7

Sotuvda erkin narxda